

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Бу ташриф икки қардош халқ ўртасидаги муносабатлар тарихида навбатдаги муҳим босқичга айланади. Ташрифнинг биринчи кунини Президент Илҳом Алиев билан бўлиб ўтган музокара, Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши ва имзоланган қарорлар нафақат икки томонлама алоқаларни, балки минтақадаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг йўналишини белгилашда ҳам муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбари 3 июль кунини Боку шаҳрида Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Хайдар Алиев мангу кўним топган Фахр хиёбонида ташриф буюрди.

Президентимиз Хайдар Алиев қабрига гул қўйиб, Озарбайжоннинг буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Хайдар Алиев ҳақли равишда мустақил Озарбайжоннинг асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида

мамлакатнинг жадал ривожланиши ва халқаро майдондаги нуфузи юксалиши учун мустақкам пойдевор яратилди.

Унинг давлат қурилиши ва миллий суверенитетни мустақкамлашга қўшган ҳиссаси Озарбайжон тарихида алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистонда Хайдар Алиевни қардош давлатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақкамлашга катта аҳамият берган давлат арбоби сифатида чуқур ҳурмат қилишади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги Галаба боғига борди.

Ўзбекистон етакчиси Галаба кунига бағишланган ёдгорлик пойига гул қўйиб, Озарбайжон ватанпарварлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Озарбайжон пойтахти марказида жойлашган ушбу замонавий ёдгорлик мажмуаси мамлакат озодлиги

ва ҳудудий яхлитлиги йўлида қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Фузулий шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Озарбайжон маданият вазири Одил Керимли ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шаҳар буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Муҳаммад Фузулий номи билан аталган. Мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бу шаҳар азиздан Қорабоннинг “жанубий дарвозаси” ҳисобланади.

2021 йилдан бошлаб Фузулий тумани ва шаҳрида кенг қўллади қайта тиклаш дастури амалга оширилмоқда. 2021 йилда фойдаланишга топширилган Фузулий аэропорти барпо этилган муҳим объектлардан бири бўлди.

Шаҳарда, шунингдек, замонавий турар жой мажмуалари, тиббиёт ва таълим муассасалари, инфратузилма объекти қад ростлади, ангилари қурилмоқда.

2023 йил август ойда икки мамлакат етакчилари шаҳарда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан биродар халқларимиз ўртасидаги мустақкам дўстлик рамзи сифатида қурилган Мирзо Улуғбек номидаги замонавий мактабни очган эдилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев кутиб олди.

Бу ерда етакчилар қўшма тикувчилик фабрикаси фаолияти билан танишди.

Қорхона Президентлар томонидан 2024 йил ноябрь ойда Бокуда бўлиб ўтган БМТ Иқлим саммити доирасидаги учрашувда ишга туширилган эди.

Тикувчилик фабрикасининг майдони 1,2 гектар. Лойиҳанинг умумий инвестиция қиймати 6,2 миллион долларни ташкил этади. Жами 800 та иш ўрни яратилади.

Қорхонада йилига 3-5 миллион дон трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тайёр маҳсулотлар ҳам ички бозорга, ҳам экспортга етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Афғонистон Бош вазири-нинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазирасини бажарувчи Мулла Абдул Ғани Бародарни қабул қилди.

Савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сонини барқарор ортиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Амалий алоқалар фаоллашди. Жорий йилнинг май ойида Қобул ва Мозори Шариф шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйлари очилди. Июнь ойида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон етакчиси чегараолди савдо ва тегишли инфратузилмани янада ривожлантириш, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика ҳамда қурилиш материаллари тармоқларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Стратегик муҳим минтақавий лойиҳа — Трансфғон темир йўлини қуриш лойиҳасини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамроҳлигида Ағдам шаҳридаги “Иморат” тарихий-меъморий мажмуасига ташриф буюрди.

Бу ерга Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам келди.

Ағдам шаҳри Озарбайжоннинг ғарбий қисмида, Қорабон туманида жойлашган. 2021 йилдан бошлаб шаҳар инфратузилмаси фаол тикланмоқда: янги мактаблар, болалар боғчалари, уй-жойлар, маъмурий бинолар қурилмоқда.

“Иморат” мажмуасида Қорабон хонлиги асосчиси Паноҳ Алихоннинг саройи ва мақбараси жойлашган. 2024 йилда мажмуа реставрация ишлари ва археологик тадқиқотлардан сўнг қайта очилди.

Бу ерда Қорабон тулпорлари парки ва интерактив музей ташкил этилган.

Етакчилар мажмуада яратилган шароитлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Меҳмонлар эътиборига Озарбайжон Қорабонининг бой маданияти ва аъналарини ақс эттирувчи Қорабон тулпорлари иштирокидаги “Зафар” номи маданий дастур тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ФОРМАТИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган тадбирларнинг дастлабки натижаларини юксак баҳоламоқда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлган Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда. Хусусан, 2 июль кунини Боку шаҳридаги Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Хайдар Алиев мангу кўним топган Фахр хиёбонида ташриф буюрди.

Президентимиз Хайдар Алиев қабрига гул қўйиб, Озарбайжоннинг буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Хайдар Алиев ҳақли равишда мустақил Озарбайжоннинг асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида



Ўзбекистон ва Озарбайжон Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши ташриф дастуридаги муҳим воқеа бўлди. Таҳлилчиларга кўра, ушбу формат икки томонлама муносабатлар тарихидаги

муҳим босқич бўлиб, олий даражадаги сиёсий ишончни ақс эттирди ва учрашув якунлари томонларнинг барча соҳаларда фаол ҳамкорликка интилишини тасдиқлади.

Давоми 2-бетда

БОҚИЙ ҲАЁТ ФОРМУЛАСИ

СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИГА ФАҚАТ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Африка ҳаётини ақс эттирадиган бир фильмда кўрган эдим. Эракк узоқ ва машаққатли меҳнат билан қаттиқ бир мевага чопки ёрдамида ишлов беради. Узоқ уринишлардан кейин якунда ундан бир пиллача сувни сиқиб олади. Бу ўша эракк ва оиласининг чанқоғини қондирадиган ягона манба эди.

Фильм қурғоқчиликнинг оғир оқибатларини сувга муштоқ инсонлар кўзларида, болаларнинг қуриб қолган лабларида намоён этганди. Мен эса ташналикни танасида, руҳиятида ҳис этаётган ўша болалар нигоҳларидан кўчган оғриқни жўмракни бир бураш бадалида унутиб юборган эдим.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА АЛБАТТА БАРПО ЭТАМИЗ!



30 июнь — Ёшлар кунини мамлакатимизда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ушбу кунга бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Ишончим комил, биз бутун халқимиз билан, сиз, азиз фарзандларим билан улуг мақсадларимизга албатта етамиз! Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда албатта барпо этамиз!” деб алоҳида таъкидлади. Ушбу мақолада айнан шу масала, яъни янги Ўзбекистонни яратиш аллақачон умумхалқ ҳаракатига айланиб улгургани ҳақида фикрлашамиз.

Жамиятни бошқаришнинг умумий усуллари

Давлатни адолатли, оқилона ва халқ манфаатларига мос бошқаришнинг асрлар давомида шаклланиб ва жаҳон давлатлари учун эталон сифатида қабул қилинган умумий жиҳатлари мавжуд. Халқ манфаатларини максимал даражада ифода қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини яратиш ва улар ёрдамида давлатни бошқариш ана шу умумий қонуниятларнинг энг муҳим жиҳатидир.

Мазкур ҳужжатлар рўйхатиغا Конституция, қонунлар, парламент қарорлари, Президент фармон, қарор ва фармоишлари, ҳукумат қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Жамиятни бошқаришда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари стратегия, концепция, дастур, чора-тадбир каби ҳужжатларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Улар қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жараёнларни бошқаришнинг аниқ ва манзилли йўллари белгилаб беради.

Давоми 3-бетда

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА

БУТУНГИ ТРЕНДМИ ёки

СТРАТЕГИК ЗАРУРАТ?

4



ЁШЛАР БЕВОСИТА ДАВЛАТ РАЎБАРИГА ЎЗ ФИКРЛАРИНИ БАЁН ҚИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИ

Президентимизнинг ёшлар билан учрашувини нафақат тантанали маросим, балки келажакни шакллантиришга қаратилган янги сиёсий стратегик босқичга замин яратди деб бемалол айтиш мумкин. Чунки мулоқотда давлатимиз раҳбари ёшлар ютуқларидан фохрлигини айтиш баробарида келажакка дахлдор инновация, IT технология, “яшил иқтисодиёт” ва креатив саноатда ёшлар ғояларига катта эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шуни катта ғурур билан айтишим керакки, бу кун бошқа тенгдошларим каби мен учун ҳам унутилмас тарихий кун бўлди. Давлат раҳбари билан бевосита мулоқот қилиш нафақат фохр, балки катта масъулият ҳамдир. Бу учрашув, шак-шубҳасиз, юртимизда ёшларга бўлган эътибор ва ишончнинг яна бир ёрқин ифодаси эди.

Учрашув давомида Президентимизнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир мурожаати бевосита биз, ёшлар қалбига етиб борди. Зеро, янги Ўзбекистон бунёдкорлари айнан навқирон авлод вакилларикидир. Ёшлар — келажак эгаси, бугуннинг ҳал қилувчи кучи. Бу сўзлар нафақат руҳлантирди, балки ҳаракатга чорловчи ҳаётий қаққирқ бўлди.

Президентимиз мулоқотда ёшлар ва мамлакатимиз келажакига дахлдор қўллаб ташаббус ва ғояларни илгари сурди, ўз навбатида, ёшларнинг таклиф ва фикрлари билан ҳам қизиқди. Таклифлар, фикрлар турлича бўлди. Лекин мени қувонтиргани бугунги ёшлар ўз фикр ва таклифларини бевосита давлат раҳбарига айтиш имконига эга бўлмоқда. Бу чинакам демократия ва очиқ мулоқотга асосланган давлат бошқаруvinинг намунаси. Айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёни-ларига кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир қаққирғи катта масъулият юқлайди. Ишонамани, бу тарихий учрашув ёшлар қалбига жуда катта куч уйғотди. Бинобарин, учрашувда ёшлар бежиз Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, дея қайта-қайта таъкидланмади. Демак, давлат биз, ёшларга ишонмоқда. Энди ўз илмимиз, ташаббусимиз ва қатъиятимиз билан ушбу ишончни оқлашимиз шарт.

Мухаммад Али РЎЗИБОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти фаоли



Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси замонавий давлатчилик ривожига муҳим ўрин тутди. У иқтисодиёт, жамият ва бошқаруvinнинг барча йўналишларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маълумот алмашиш жараёнини тезлаштириш ва иқтисодий ўсиш учун янги имкониятларни яратиш мақсадларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятга эришди.

Соҳанинг юқори суръатдаги тараққиёти, мамлакатимизнинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашуви, биринчи навбатда, ёшларимизнинг ижтимоийлашуви билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш, интеллектуал билимининг намоён қилиши, таҳлилий фикрлаши, иқтисодий ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

Шу боис, ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари бўйича мулоқот ва ишлаб чиқариш стратегиялар давлатимиз раҳбарининг доимий назоратида бўлгани учун ҳам йўналишдаги натижалар жадаллик билан ўсиб бормоқда.

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Электрон ҳукумат тизимлари ва рақамли хизматлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш, қўғозбозлиқни камайтириш ва бошқаруви жараёнини шаффофлаштириш имконини беради. Шунингдек, ахборот технологиялари ижтимоий соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Онлайн таълим, телемедицина ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид рақамли платформалар

асосий хизматларни аҳолига, жумладан, олис ҳудудлардаги фуқароларга ҳам етказишни осонлаштиряпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий IT хабога айлантириш учун қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузилмани ва венчур бозорни ривожлантириш, “local to global” тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юртимизда халқаро компаниялар офисларини очиш каби қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Айни пайтда таълим, банк иши, божхона, молия, қишлоқ ҳўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларда рақамли трансформация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Янги IT компаниялар ташкил этилмоқда. Соҳага чет эл сармоялари тобора кўпроқ жалб этиляпти.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида телекоммуникация бозорида энг юқори ўсиш суръатини намоён этмоқда. Хусусан, Nexign компанияси ва TelecomDaily ахборот-таҳлилий агентлиги тадқиқотига кўра, кейинги уч йилда Ўзбекистон телекоммуникация бозори 12,7 фоиз ўсиши кутилмоқда. Минтақанинг бошқа давлатларида бу кўрсаткич 4-6 фоиз атрофида бўлади. Бозор ўсишининг асосий драйверлари сифатида тармоқ инфратузилмасини модернизациялаш, 5G технологияларини ривожлантириш, янги авлод рақамли хизматларини ишга тушириш каби омиллар қайд этилган.

Тадқиқотга кўра, Ўзбекистон телекоммуникация бозори ҳажми 2020 йилдаги 10,2 триллион сўмдан 2024 йилда 20,9 триллион сўмга, яъни икки баробар ошган. Биргина ўтган йили телекоммуникация бозори ҳажми 2023 йилдагидан 18,6 фоиз ўсди. Бу кўрсаткич Қозоғистонда 11, Қирғизистонда 13,6, Россияда 7,8 фоизни ташкил этди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Nexign компанияси ва TelecomDaily агентлиги таҳлилларига кўра, жорий йилда Ўзбекистон телекоммуникация бозори ҳажми 24,1 триллион сўмдан ошиб, 15,3 фоиз ўсиши кутилмоқда. Nexign тижорат компанияси директорининг эътирофи билан, “Ўзбекистон телекоммуникация бозори жадал ривожланмоқда ва рақамли ривожланишнинг катта мақсадларини қўллаб-қувватляпти. Юқори рақобат операторларни инновацион ечимлар жорий этишга ундайди”.

Мамлакатимизда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида катта ютуқларга эришилмоқда. Масалан, онлайн ўқув платформалари фойдаланувчиларининг фаоллиги асосида дунёда профессионал ҳамда рақамли кўникмалар даражасини баҳолаб борадиган ва ҳар йили чоп этиладиган Global skills рейтингига (2024 йил) мамлакатимиз кадрлар тайёрлашга энг кўп инвестиция киритадиган давлат сифатида биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Coursera платформасидан фойдаланувчилар сони бўйича МДХ давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллади. Coursera дунёдаги етакчи университет ва компанияларнинг онлайн курслари ва таълим дастурларини тақдим этувчи платформадир.

Яна бир ютуқ: мамлакатимиз онлайн таълимга аҳолини кенг жалб қилаётган энг фаол 6 давлат орасида биринчи ўринни эгаллаб, Сингапур, БАА, Канада, Гонконг ва АҚШ каби мамлакатлардан илгарилаб кетди.

Ҳозирги тез ўзгараётган замонда барча соҳаларга ахборот технологияларини биладиган кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Бу соҳадаги хизматлар ҳам, экспорт ҳам айнан малакали мутахассисларга боғлиқ. Шу боис, IT мутахассислар тайёрлаш учун зарур инфратузилма босқичма-босқич кенгайтирилиб, такомиллаштирялляпти.

Энг асосийси, юқорида қайд этганимиздек, стратегик аҳамиятга эга соҳа ривожига доимий эътиборда. Жумладан, жорий йил 7 февраль кунин Президентимиз раислигида ҳудудларда хизматлар соҳасини ривожлантириш муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада аниқ мақсадли вазифалар белгилаб берилган эди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари IT хизматлар ҳажмини 30 фоиз қўнайитириш, ушбу йўналишдаги экспортни бир миллиард доллардан ошириш, ҳудудлар ва тармоқларда рақамли хизматларни

кенг жорий этиш бўйича аниқ ташаббус ва механизмларни таклиф қилган эди. Шунингдек, креатив иқтисодиётдаги стартап лойиҳалар учун жорий йилда 50 миллион доллар ажратилгани қайд этилган.

Жорий йил 1 июль кунин давлатимиз раҳбари рақамли технологиялар, сундий интеллект ва телекоммуникация соҳаларидаги режалар тақдими билан танишар экан, мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожига учун яратилган кенг имкониятлар катта натижалар олиб келганини таъкидлади. Хусусан, ўтган даврда IT парк резидентлари 2800 дан ошди, хорижий компаниялар сони эса 752 тага етди. Бу соҳада 40 минг ёш юқори даромад толяпти.

— Бугунги кунда 760 та давлат хизмати рақамлаштирилиб, ўтган йили улардан 10 миллион фуқаро фойдаланган, — дейди рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов. — Давлатимиз раҳбари энди кейинги “Рақамли ҳукумат” босқичига ўтиш вақти келганини таъкидлади. Бунинг аввало, аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган таълим, тиббиёт, қурилиш ва коммунал соҳалардан бошлаб кераклиги айтилди. Бунинг учун 2025-2026 йилларда давлат органлари ва ҳўжалик бирлашмаларида 68 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Яна бир жиҳат. Соҳада хизматлар ҳажми ва экспортини ошириш муҳим вазифалардан. Ўзбекистондаги шариот ва имтиёзлар натижасида бошқа релокантлар ҳам юртимизга келишдан манфаат кўряпти. Хусусан, 2017 йилда хорижий сармояга эга компаниялар сони 10 тага ҳам етмаган бўлса, бугунги кунда бир ойда 30 та хорижий компания фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу эса ҳар бир ҳудудда жозибдор муҳит яратилиб, чет эл компанияларини жалб этиш борадидаги сайё-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Шунингдек, соҳада янги-янги бозорлар очилмоқда. Масалан, бундан уч йил олдин Япониянинг ҳеч қандай компанияси йўқ эди. Бугун эса ушбу давлат капитални иштирокидаги 17 та компания фаолият кўрсатмоқда. Тез ўсаятган компаниялар сони Жанубий Корея, Германия ва араб давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ФОРМАТИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган тадбирларнинг дастлабки натижаларини юксак баҳоламоқда

Бошланиши 1-бетда

Боку шаҳрида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилиши, Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг расмий очилиши ҳам катта рамзий маънога эга. Бу дипломатик муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди ҳамда расмий Тошкент ва Боку ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштирди.

Ўзбекистон Президенти Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди, Озарбайжон қаҳрамонларини хотирилади. Бундай самимий эътибор белгилари ўзбек ва озарбайжон халқларининг тарихий ҳамда маънавий яқинлигини таъкидлабгина қолмай, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги

дўстлик ва ишончнинг юксак даражасини ҳам намоён этди.

Халқаро экспертлар, шунингдек, ташрифнинг дастлабки натижалари ўз минтақаларидаги асосий давлатлар бўлган Ўзбекистон ва Озарбайжон нафақат Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ, балки бутун Евроосиёнинг барқарор ривожланишига йўналтирилган самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муваффақиятли моделини намоёйиш қилаётганини таъкидламоқда. Давлатлараро ҳамкорликнинг ушбу формати глобал муаммолар фонидида қитъада барқарорлик, иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Испания):

— Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи бугунги кунда юксалиб бораётган ўзбек-озарбайжон муносабатлари ривожига муҳим босқич бўлди. Олий даражадаги музокаралар ва 2 июль кунин ўтказилган Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши стратегик шериклигининг янги йўналишларини белгилаш ва бошқа асосий жабҳаларда амалий ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади. Музокаралар яқунлари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат баҳш этадиган мустаҳкам икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзолангани айниқса муҳим.

Ташрифнинг бой гуманитар қисмини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Давлатнинг раҳбарининг Боку шаҳридаги “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйиши ва Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимидаги иштироки икки халқ ўртасидаги қардошлиқ ришталарининг рамзий маъносини билдиради. Шуша, Ағдам ва Хонкендидаги маданий дастурлар эса ишонч, ўзаро ердан, тинч ҳамда бунёдкор келажакка интилиш ортиб бораётганининг ёрқин намунаси.



Айдин АСКЕРОВ, Латвия Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлари институти президенти:

— Ташриф тарихан яқин бўлган икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Минтақавий миқёсда саноат, халқаро автомобиль алоқаси, туризм, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларида ўзаро шериклиқни фаоллаштиришни рағбатлан-

Сюй ТАО, Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари маркази Евроосиё ижтимоий тараққиёт институти директори ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Озарбайжон Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши яқунлари мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг таъсирчан динамикасини намоён этмоқда. Кенг қўламли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши Тошкент ва Боку иттифоқчилиги муносабатлари доирасидаги декларациялардан аниқ ҳаракатларга ўтказганини тасдиқлайди, бу эса Евроосиё интеграцияси руҳи ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотини таъминлайдиган тўлқин мос келади.

2025-2029 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” алоҳида эътиборга лойиқ, Чунки унда узоқ муддатли

ҳамкорликнинг тизимли вектори белгиланган. Бу шунчаки сиёсий сигнал эмас, балки саноат ва қишлоқ ҳўжалигидан тортиб, экология ва таълимгача бўлган асосий соҳаларни қамраб олган аниқ ҳаракатлар режасидир. Бундай яхлит ёндашуви ифодаляпти. Ушбу механизмлар ҳукуматлараро келишувларни шунчаки тўлдирмайди — улар бизнес ҳамjamiиятлари ўртасида тўғридан тўғри алоқа каналларини яратади.

зиш дастури ва саноат кооперацияси иқтисодий ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамляпти. Денгиз орқали ташиниш ва “яшил” энергия соҳасидаги келишувлар эса Каспий денгизи орқали транзит учун янги имкониятлар очади. Хитой минтақадаги энг йирик инфратузилма инвестори сифатида бундай лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда, чунки улар бизнинг Марказий Осиё ва Кавказдаги логистика ташаббусларимизни қўллаб-қувватляпти.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўрта-сида Тадбиркорлар кенгаши ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форумининг ташкил этилиши иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга йўналтирилган инновация ва прагматик ёндашуви ифодаляпти. Ушбу механизмлар ҳукуматлараро келишувларни шунчаки тўлдирмайди — улар бизнес ҳамjamiиятлари ўртасида тўғридан тўғри алоқа каналларини яратади.

Марс САРИЕВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамляпти бормоқда, бу 2024 йилда имзоланган Иттифоқчилик шартномасида ҳам ўз тасдиғини топти. 2030 йилга бориб ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш мақсадлари белгилаб берилди, 2025 йил “Иқтисодий ҳамкорлик йили” деб эълон қилинди.

Бу галги ташриф чоғида кенг қўламли келишувлар тўплами имзолангани ҳам томонларнинг узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишидан далолат беради. Бокуда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиши дипломатик инфратузилма кенгайиши рамзига айланди.



Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Жанубий Кавказда ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамламоқда. “Урта йўлак” кун тартиби фаоллашмоқда. Бу ҳар икки давлат транспорт-логистика ҳамкорлигини кенгайтириши баробарида муқобил йўналишларни очмоқда.

“Дунё” АА

“

БИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ, ЙЎЛИМИЗ АНИҚ.
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ УЙҒОНИШ
ДАВРИ, ЯЪНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШНИ ЎЗИМИЗГА
АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ БЕЛГИЛАДИК.

Таҳлил



Одил ОЛИМЖОНОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва
ислохотлар маркази бош илмий
ходими, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

**Шароитлар мавжуд бўлса,
жамият ўз-ўзидан юксалиб
кетгандирми?**

Жаҳоннинг жуда кўп давлатлари тажрибаси жамиятни бошқаришнинг умумий усуллари яратилишининг ўзига намуна бўлиб қолган давлатларнинг таълими ва иқтисодиёти бўлиб қолган. Давлатларнинг катта қисми ҳали ривожланган жамият қура олмаганининг энг асосий сабабларидан бири ҳудди шу ҳолат билан изоҳланади.

Қаранг, айна пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан мустақиллиги расман тан олинган ва БМТга аъзо 195 та суверен давлат мавжуд. Уларнинг катта қисми аҳоли жон бошига яратилаётган ялпи ички маҳсулот ҳаёти ва инсон тараққиёти кўрсаткичлари бўйича ўз халқига фаровон турмуш даражасини яратиш бера олмаяпти. Халқаро валюта жамағармаси ҳисоб-китобларига кўра, 2024 йил октябрь ойи ҳолатида дунёнинг 41 тагина мамлакат ва ҳудуди ривожланган давлатлар рўйхатига кирди.

Холбуки, ривожланган давлатлар сафига кира олмаган 154 та давлатнинг катта қисмида ҳам жамиятни бошқаришнинг жаҳон стандартларига мос келадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари яратилган. Бундан ташқари, уларнинг аксариди жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатларини самарали бошқариш мақсадида стратегия, концепция, дастур, чора-тадбирлар ҳам тайёрланади ва улар амалиётга жорий этилади.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Хўш, барча зарурий ҳужжатлар бўлса ҳам қатор давлатлар нега ривожланиб кетмаяпти? Бу ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, давлатлар баркамол жамият барпо этишнинг умумий стандартларидан кўр-кўрона фойдаланмай, яхши натижага эришишни қийин. Яъни ҳар бир давлат жаҳоннинг тараққий этган юртида тўпланган

Президентимиз таъбири билан айтганда, Халқ қабулхоналарига қайтишнинг ҳеч бир мурожаат этибдорис қолмайди.

Барча бўғинлардаги раҳбарларнинг фаолияти улар одамлар ташвишларини қай даражада ҳал қилишига боғлиқ. Ҳамма идора ва ташкилотларда “Фуқаролар қабулхоналари” ташкил этилди.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенат аъзоси

онги билан ишлаш биринчи ўринга чиқмоқда. Ҳозирги ҳолатда ёшлар фаоллигини ошириш, уларда мавжуд улкан салоҳиятини юрт манфаати йўлида рўёбга чиқаришга одатий, сийқаси чиққан усуллар билан эришиб бўлмайди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА АЛБАТТА БАРПО ЭТАМИЗ!

Давлат хизматлари марказлари ташкил этилди ва шу йўл билан битта ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришидек ҳолатга барҳам берилди. 10-15 та идорадан ойлаб овора бўлиб йиғадиган ҳужжатларимизни шу битта ташкилотдан оладиган бўлдик. Одамлар арзини айтгани идораларга эмас, амалдорлар аҳоли дардини эшитиш учун уларнинг олдида борадиган бўлдик. Булар ҳам раҳбарлар ва халқнинг онгини кескин ўзгартирди. Амал эгалари халқнинг хизматкори бўлиши кераклигини тушундик. Шу йўллар билан жамиятни бошқаришда халқ бевосита иштирок эта бошлади.

2025 йил 16 июнь куни давлатимиз раҳбари амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам Халқ қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чораларини тақдим этди.

**Стратегияларнинг
ижодкори халқ бўлди**

Мамлакатимизни ривожлантириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қабул қилинаётган барча қарорларда халқнинг ижодкори сифатида иштирок этиши жорий этилди. Масалан, Шавкат Мирзиёев Президентликка сайлангандан кейин мавжуд барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди ва улар янги Ўзбекистонни барпо этиш нуқтани назардан тақомиллаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси номли улугвор ва кенг қамровли чора-тадбирлардан иборат ҳужжат ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияни ҳаётга татбиқ этиш давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох қилиб, жамиятимизни, халқимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Унинг ёрдамида

янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Натижада мамлакатимизда жамиятимиз ривожининг кейинги босқичига ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Яъни халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини трансформация қилиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилди.

Бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди ҳамда унда билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди.

**Ижтимоий-иқтисодий
жараёнларни бошқаришда
ташрифларнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Президенти давлатни бошқариш амалиётига яна битта жуда катта янгиллик олиб кирди. Яъни давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида бугун жаҳонда янги ҳодиса сифатида эътироф этилаётган усулни кашф этди.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, муайян бир вилотнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш бўйича тегишли фармон қарорлар, лойиҳалар Тошкентда, кабинетларда эмас, ҳудудларнинг ўзида маҳаллий ташкилотлар вакиллари, аҳоли ва тадбиркорлар билан биргаликда ишлаб чиқилади. Бунда ташрифга тайёргарлик ва уни ўтказиш мобайнида мутасадди ташкилотлар томонидан жуда катта қийматли юзлаб лойиҳалар тайёрланапти. Бу лойиҳаларни бажариш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта туртки берапти ва аҳоли турмуш

даражасини сезиларли равишда оширишга хизмат қияпти.

Тўғри, тан олиш керакки, ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзини ўзи бошқарадиган тизими яратилган ва биз ҳам яқин вақтда шу йўлга ўтамиз. Бугун эса мазкур ташрифлар чоғида Президентимиз жамиятимизни раҳбарлар онгини ўзгартариш, уларни халққа яқинлаштириш, жараёнда кенг халқ оммаси иштирокчини таъминлаш орқали ана шундай тизим яратишга тайёрламоқда. Содароқ айтганда, давлатимиз раҳбарининг вилотларга ташрифларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш амалиёти вазирилик, идора ва ҳокимликлар раҳбарлари ва мутахассислари учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий бошқаришнинг Президентимиз яратган замонавий усулларини ўрганишнинг ўзига хос мактаби вазирасини бажармоқда ҳамда бошқарувда умумхалқ иштирокчини таъминламоқда.

**Ҳолатни жойида ўрганиш
ва баҳолаш — ҳудудларни
ривожлантиришнинг муҳим
воситаси**

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида ҳолатни жойида ўрганиш ва баҳолашнинг аҳамияти юқори. Давлатимиз раҳбари бу масалага жуда катта эътибор билан қарамоқда.

Шу боис, вилотларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш бўйича тегишли ҳужжатларни салқин кабинетларда ўтириб тайёрлаш ўрнига муаммоларни бевосита жойида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ҳудудлар вакиллари билан биргаликда ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди.

Жараёнда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти, вазирилик, идора ва ҳокимликлар вакиллари биргаликда

жойларга бориб, аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимлари бўйича тақлифлар тайёрламоқда.

Бу усулнинг бошқаларидан устунлиги ва афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Чунки вазирилик ёки ташкилот раҳбари ҳар қанча салоҳиятли ва ҳатто дунёнинг энг нуфузли университетда энг зўр профессорлардан таълим олиб келган бўлмасин, кабинетда ўтириб, чекка қишлоқлар муаммоларини тўғри аниқлай олиши, ич-ичидан тушуниши, ҳис қилиши қийин. Шу боис, ташрифдан бир неча кун олдин вазирилик ва ташкилотлар раҳбарлари вилотларга йўл олади, тармоқ ва соҳалар объектларини ўз кўзи билан кўради, муаммоларини аниқлайди ва тегишли мутахассислар ва ҳудудлар вакиллари билан биргаликда вазиятни ўнглаш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

**Янги усулларнинг ҳаётбахш
экани яққол намоён**

Давлатни бошқаришнинг Президентимиз олга сурган усуллари самарали ва ҳаётбахш экани мамлакатимизнинг 2016-2025 йиллар мобайнидаги раҳбарлар ривожланиши ва аниқлаш, халқимиз турмуш даражасини ошириш борасида эришилган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда.

Эътибор қилинг, 2017 йилдан бошлаб юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми дастлабки йиллар 5 фоиздан юқори (коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар таъсирида 2020 йилда табиий равишда пасайиш юз берди), охириги йилларда эса 6,3-6,5 фоиз атрофида ўсмақда.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳам раҳбарлар равишда юқори суръатлар билан ошиб бормоқда. Масалан, 2022 йилда 3,8 фоиз, 2023 йилда 4,1 фоиз, 2024 йилда 4,4 фоиз ошди.

Бундай кўрсаткичларга ички ва ташқи ресурслардан оқилона фойдаланиш эвазига мамлакат иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш орқали эришилмоқда. Бунда хорижий инвестицияларнинг салмоғи ҳам катта бўлмоқда. Масалан, 2017 йилдан буён иқтисодиётимизга барча манбалар ҳисобидан 188 миллиард доллар инвестиция киритилган бўлса, унинг 87 миллиард доллари хорижийдир. Биргина 2024 йилда иқтисодиётга киритилган инвестиция ҳажми 1,3 баравар кўпайиб, 36 миллиард доллардан ошди. Бунинг ҳисобига 2024 йили қўшимча 70 триллион сўмлик қиймат берадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилди.

2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги илк натижалари ҳам иқтисодиёт раҳбарлари ўсаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, саноат 6,4, экспорт 16, тўғридан тўғри хорижий инвестиция 48 фоиз ошди. Қиймати 3 миллиард долларлик 2,5 мингдан зиёд янги ишлаб чиқариш қуввати иш бошлади. Натижада 2 миллион 400 минг одам муносиб даромад билан таъминланди.

Янги Ўзбекистон инвестиция киритиш учун жозибador давлатга айланди. Тошкентда жорий йил 9-12 июнь кунлари ўтказилган тўртинчи Халқаро инвестиция форумида 100 га яқин давлатдан 8 мингдан кўп бизнес вакили ва инвестор, шунингдек, 3 мингдан зиёд хорижий меҳмон иштирок этгани ҳам шундан далолат беради. Форумда қиймати 30,5 миллиард долларлик меморандум ва битимлар тузилди.

Бизнинг пировард мақсадимиз, йўлимиз аниқ. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Янги Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислохотларимиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириб, аллақачон ўз медаларини бера бошлади. Яъни халқимизда ўз ҳаётини ўзгартариш, аввало, ўзининг хатти-ҳаракатларига боғлиқ эканига ишонч пайдо бўлди.

Шуну қилиб ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонни барпо этиш аллақачон умумхалқ ишига айланиб бўлди. Улуг мақсадга эришиш учун бугун миллат, жамиятимизнинг барча аъзолари уйғонди ва ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракат қилмоқда. Миллат уйғониши эса миллий юксалишга, баркамол ва фаровон жамият барпо этишга мустақам асос яратди.

Муносабат

Кейинги йилларда дунёни қамраб олаётган шиддатли технологик ўзгаришлар башарият ҳаётида муқаррар янгиланишларга олиб келмоқда. Биз аллақачон ахборий жамият чегараларини ортда қолдириб, рақамли жамиятга яшашамиз. Ахборот ва тармоқлаштириш, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, глобал тармоқлар ижтимоий-сиёсий тараққиёт ва иқтисодиётнинг энг муҳим омилларига айланмоқда. Улар одамлар турмушини, ижтимоий муносабатларини ташкил этиш ва тартибга солишда муҳим ўрин тутмоқда.

Рақамли мулоқот ва виртуал ҳамжамиятлар жонли алоқа ва реал жамоалар устидан устунлик қилаётган бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар олдида турган вазифалар янада мураккаблашди. Глобал дунёдаги ўзгаришлар билан боғлиқ янги заҳиралар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги мақсадлари ёшларга оид давлат сиёсатининг вазифа ва механизмларини тизимли янгиланиш, ривожлантиришни талаб қилаётди. Бундай шароитда ёшлар

Ёшлар маслаҳат гуруҳи

Улар жойларда тенгдошлари ташаббусларини илгари суради



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенат аъзоси

онги билан ишлаш биринчи ўринга чиқмоқда. Ҳозирги ҳолатда ёшлар фаоллигини ошириш, уларда мавжуд улкан салоҳиятини юрт манфаати йўлида рўёбга чиқаришга одатий, сийқаси чиққан усуллар билан эришиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан Олий Мажлис Сенати ҳузурида фаолият юритаётган ёшлар парламентининг концепцияси ёшларни қарорлар қабул қилиш ва бошқариш жараёнларига жалб қилиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий маданиятини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Ёшлар парламенти тенгдошларини ўйлантираётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш майдони ҳисобланади. Эндилликда бу гоё янада кенг қамров касб этди. Хусусан, парламент юқори палатаси кенгашининг қарори билан Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурида ёшлар маслаҳат гуруҳи ташкил этиладиган бўлди.

Мазкур ташаббус ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, норма ижодкорлиги жараёнида, хусусан, ёшлар масалаларига доир қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда муҳокама қилишда фаол иштирок этиш, ёшларга доир масалалар юзасидан тақлифлар бериш, бу борада тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатларига қўмаклашиш мақсадида илгари сурилди.

Шуниси эътиборлики, мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида ҳамоҳанг.

Хусусан, Ёшлар парламенти ва маҳаллий кенгашлар ҳузурида ташкил этиладиган ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолияти фармонда белгиланган маҳаллий даражада халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари, хусусан, ёшлар муаммоларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Кези келганда айтиш керакки, маҳаллий вакиллик мамлакатимиз конституциявий тузумининг муҳим ва зарур асосларидан бирини ташкил этди. Аҳолига энг яқин бўлган оммавий ҳокимият сифатида маҳаллий Кенгашлар аҳолиси муқаррар равишда бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган маълум бир ҳудудда биргаликда яшовчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Маҳаллий кенгашлар ҳузурида ёшлар

маслаҳат гуруҳларининг фаолият юритиши эса аҳолининг энг салоҳиятли қатлами бўлган йигит-қизлар муаммолари жойида ҳал қилиниши, қолаверса, уларнинг ўз вакиллари орқали кичик ватани ҳисобланган шаҳар, туман ва вилотлари учун муҳим бўлган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда иштирокчини таъминлайди. Аслида, бу ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ёрқин намунасики, бу борада кейинги йилларда эришилаётган натижалар мазкур сиёсат вектори қанчалик тўғри йўналганини тасдиқлайди.

Бунда асосий урғу ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий интеграциялашуви ва шахс сифатида ривожланишини қўллаб-қувватлашга берилляпти. Хусусан, ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш мақсадида мамлакатимизда давлат бюджетидан ҳар йили 100 миллион доллар ажратилади. Қолаверса, ёшларнинг тадбиркор сифатида фаоллиги ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Ёшлар тадбиркорлиги жамағармаси энг яхши 500 та лойиҳани таллаб олади ва улар тайёр бизнесга айланиб, даромад келтиргунга қадар қўмаклашади.

“

**Ёшларни юқори дарамадли
фаолиятга жалб этишга
қаратилган “Келажак
касблари” лойиҳаси орқали
755 та хусусий ўқув маркази
билан ҳамкорлик йўлга
қўйилиб, 25 минг нафар
ёшнинг 56,7 миллиард
сўм ўқиш харажати тўлаб
берилди.**

Мамлакатимизда ёшлар кунининг умуммиллий байрам сифатида кенг нишонилгани ҳам ёш авлодини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамиятга эга эканини англатади. Зеро, ёшлар бахти ва келажаги — янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳал қилувчи омилidir.

ОЙҚОРНИНГ МАРД ЎҒЛОНИ

Жиззах вилоятининг Бахмал тумани маркази Ўснат шаҳарчасидаги маҳаллалардан бири Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари чегара қисмида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи Қутлугжон Раҳмонов хотирасига “Қутлугбод” деб номланган.

Ўснат шаҳарчаси ва унинг таркибидаги ушбу маҳалла қадим тарихи, бу ерда яшаб ўтган буюк кишилари тўғайли юртимизнинг машҳур жойларидан бири саналади. Маҳаллада “Ўснат ота” зиёратгоҳи бор. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ушбу зиёратгоҳда қабр ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуг ва машҳур олимлардан бири Абулфатҳ Мухаммад ибн Абдулҳамид ибн ал-Ҳасан ал-Усмандийга тааллуқли.

Ушбу маҳалланинг йўлдошбой қишлоғида танқили шоир, ёзувчи, йирик шаърқшунос олим Баҳром Иброҳимов тугилиб вояга етган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳамда уруш йиллари хорижда ўта муҳим махфий топишриқларни бажариб, ғалабага бекиёс ҳисса



“Қутлугжоннинг ҳарбийликни танлаши бежиз эмасди. Унинг қисқа ҳаёт йўли ватанимиздаги катта ўзгаришлар даврига тўғри келди. 1991 йил 1 сентябрда — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган санада 1-синфга борган. Ҳали дафтарнинг биринчи саҳифасидек тоза қалбларга юртда рўй берган буюк тарихий ўзгариш — мустақиллик ҳақидаги тасаввурлар битилган.

қўшган бу инсонни кўпчилик “Илон изидан”, “Максус топириқ” “Сўнгги ва биринчи субҳдам” романилари ва шу номдаги фильмларнинг бош қаҳрамони прототиби — разведкачи сифатида ҳам билади.

Қутлугжон Раҳмонов ушбу табаррук маҳаллада яшаган улуг инсонларнинг авлоди. У 2002 йилда муқаддас ҳарбий хизматга қаҳирланган. 2004 йилдан 2008 йилга қадар ДХХ чегара қўшинлари сафида шартнома асосида хизматни давом эттирган.

Қутлугжоннинг ҳарбийликни танлаши бежиз эмасди. Унинг қисқа ҳаёт йўли ватанимиздаги катта ўзгаришлар даврига тўғри келди. 1991 йил 1 сентябрда — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган санада 1-синфга борган. Ҳали дафтарнинг биринчи саҳифасидек тоза қалбларга юртда рўй берган буюк тарихий ўзгариш — мустақиллик ҳақидаги тасаввурлар битилган.

— 1990-йилларнинг бошида юртимизда кечган сиёсий жараёнлар ёшлар онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутди, — дейди Қутлугжоннинг синф раҳбари Турдимурод Бекназаров. — Биринчи синфда ўқиган пайтларидек Қутлугжоннинг қалбига она юрт меҳри, ватан ҳимояси ҳақида дастлабки тушунчалар жойлашган. Ўша йиллари мактабларда мустақиллик ғояларини сингдиришга катта эътибор қаратилган тўғайли ёшлар сиёсий жараёнларга фаол муносабатда бўлиб улғайди. Қутлугжон барча фандан аъло баҳоҳларга ўқиб билан бирга ҳақиқий ватанпарвар бўлиб улғайди. Ўқувчилар билан ўқитқан суҳбатларимда, ёздирган ишловларимда у билдирган фикр-мулоҳазалардан юртни севиш, бурча масъулият ҳисси сезилиб турарди. Бу эзгу туйғулар унинг бўйига, ёшига монанд ўсиб борди. Шунинг учун ўқувчининг ватанимиз сарҳадларини, халқимизнинг тинчлигини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатиб, жонини фидо қилганини тасодиф деб ўйламайман. Чунки Қутлугжон учун “ватан”, “ватанин ҳимоя қилиш”, “бурча” деган сўзлар оддий эмас, балки ҳаёти мазмунини ифодаловчи тушунчалар эди. Шу боис унинг жасоратини ватанга муҳаббатини амалдаги ифодадан, ҳақиқий мардлик ва қаҳрамонлик деб биламан.

Муаллим айтганидек, ватанга муҳаббат, бурча, садоқат туйғулари шунчаки чиройли сўзлар, баландпарвоз шорнинг эмаслигини тўғри англаган инсонлар юртнинг ҳақиқий посбонлари бўла олади. Улар керак бўлса, ватан учун жон беришга ҳам тайёр. Қутлугжон Раҳмонов чегара хизматига киришда одаимийликнинг бу қонуниятини юракдан ҳис этган, албатта. Буни ҳаётида исботлади ҳам.

У хизмат давомида жанговар топириқларни аъло даражада бажариши билан намуна бўлиб келди. Хизмат давомида тезкор амалиётларни бажаришдаги ютуқлари шахсий варағида қайд этилган. Қутлугжон жанговар топириқларни бажаришда жиний гуруҳлар томонидан катта миқдордаги моддий товар буюмлари олиб ўтилишига чек қўйган, чегара бузилиши билан боғлиқ кўпгина жиний ҳаракатларни баргараф этган. Аммо жанговар топириқларни бажариш ҳар доим ҳам беҳатар бўлмади. Айниқса, 15-20 йил илгари қўшни давлатлар билан чегаралардаги вазият

анча мураккаб эди. Қутлугжоннинг хизмат даври ҳам ўша пайтларга тўғри келганди.

2008 йил 13 ноябрдан 14 ноябрга ўтар кечаси юртимиз чегара ҳудудларидан бирида ноҳуш воқеа юз берди. Фарғона вилоятининг Сатторбод аҳоли пункти яқинидаги давлат чегарасида рейд олиб борилаётган пайтда Қирғизистон ҳудудидан бир гуруҳ шахс мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний ўтишга ури-наётгани аниқланди.



Ходисадан хабардор бўлган Қутлугжон Раҳмонов хизмат бурчини юксак масъулият ва жасорат билан адо этди. У жиноятчиларнинг мамлакат ҳудудига ноқонуний ўтиб, яшириниш ниятида эканини англаб, автотранспорт воситасидан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини бузиб ўтишга уринган жиноятчиларга тўсиқ қўйиш мақсадида самарали ҳаракатларни бажаради.

Бироқ жиноятчилар қандай қилиб бўлса ҳам чегарадан ўтиб кетишга интилиб, автомашинани Қутлугжон Раҳмонов томон ҳайдайди. Чегарачимиз сўнгги лаҳзагача бурчага садоқат билан ёндашиб, жиддий қаршилик кўрсатади ва жиноятчиларнинг режасини амалга оширишига йўл қўймасликка уринади. Аммо шифокорлар кўрсатган тезкор тиббий ёрдамга қарамай, олган оғир тан жароҳати тўғайли ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Бугун ушбу воқеага ўн етти йил бўлди. Ҳозир давлатимиз чегаралари тинч, барқарор. Сарҳадларимизни Қутлугжонга ўхшаган бурчага садоқатли, жасур ва мард йигитлар қўриқламоқда. Улар сафида Қутлугжон Раҳ-

моновнинг номи ҳам бор. Унинг исм-фамилияси ўзи хизмат қилган чегара қисми шахсий таркиби рўйхатига мангу киритилган. Ҳарбий анъанага кўра, ҳар кунлик йўқлигида унинг номи ўқилганда бир овоздан “Сафда!” деб жавоб берилади.

Давлат чегараси дахлсизлиги, ватан хавфсизлигини таъминлаш бўйича жанговар вазифани бажаришда кўрсатган мардлиги, фидоийлиги учун Қутлугжон Раҳмонов вафотидан сўнг “Жасорат” медали билан тақдирланган.

Жамоатчилик таклифи билан унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида тугилиб ўсган маҳалласига “Қутлугбод” деб ном берилди. У ўқиган Бахмал туманидаги 3-мактабда Қутлугжон Раҳмонов хотирасига бағишлаб алоҳида хона ажратилган. Унда чегара қўшинлари ҳаётини акс эттирувчи стенд, буклет ва кўплаб фотосуратлар, Қутлугжоннинг яқинларига, дўстларига ёзган мактублари қўйилган.

Туман “Халқ ижодиёти ва тарихи” музейида Бахмалнинг бой тарихи, машҳур кишилари қаторидан Қутлугжон Раҳмонов хотираси учун ҳам алоҳида жой ажратилган. Музейда унга тегишли 18 та экспонат бор. Ҳар йили музейга минглаб юртдошларимиз, хусусан, ўқувчи ёшлар ва ҳарбий қисм хизматчилари келади.

— Қутлугжон ҳарбийликни танлаганида, гапнинг очиги, жуда қувонганман, қалбим гурурга тўлган, — дейди отаси Абдуманнон Раҳмонов. — Фарзандимнинг чегарачи бўлишига қаршилик қилмай, онаси билан бирга оқ фотиха берганмиз. Наҳора, ҳарбийлик осон эмас. Аммо яқинларини йўқотиш, айниқса, фарзанддан айрилиш ота-она учун жуда оғир. Бу қисмат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил топган сана. Ватан ҳимоячилари ҳамда Хотира ва қадрлаш кулларида Қутлугжонни хотирлаб, уйимизга ҳудуддаги чегара қисми хизматчилари, у ўқиган мактаб ўқувчилари келади. Ўғлим яхши ном қолдириб кетгани, элимиз уни унутмагани кўнглимизга тасалли

беради. Яқинда Президентимизнинг Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари” монументи олдида бизга қарата айтган “Бу жасур ўғлонлар тахликали вазиятда ўзини ўйламай, бурчага содиқ қолиб, халқни учун жонини фидо қилган. Ҳозирги тинчликда, осмонимиз мусабфоллигида уларнинг катта ҳиссаси бор. Оилалари, барча яқинлари билиши керакки, улар орамизда худди тинчликдек, номлари ҳеч қачон ўчмайди. Буни мана шу майдонда муҳрлаб қўйди. Мен уларнинг ота-оналарига, турмуш ўртоқларига таъзим қиламан. Фарзандлари қаҳрамон оталарига муносиб бўлишини истайман”, деган сўзлари кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Қутлугбод маҳалласи Бахмал туманидаги туристик масканлардан. У ердаги “Ўснат ота” зиёратгоҳига юртимизнинг турли ҳудудидан, хорижий мамлакатлардан сайёҳлар келиб туради. Улар Ойқор тоғлари бағрида жойлашган маҳалланинг ноёб табияти, тарихий ёдгорликлари, ўзига хос этнографияси, аҳолининг урф-одатларидан завқ олади. Маҳалла номи билан қизилқувиқларга қутлугбодлик ҳар бир киши Қутлугжон Раҳмонов жасорати ҳақида сўзлаб беради. Жасур чегарачининг номи қайта-қайта тилга олинади. Аслида, инсон умри йиллар билан эмас, балки қилган эзгу амаллари ва ҳаётининг мазмунини билан ўлчанади. Шу боис, Қутлугжон Раҳмонов номи, жасорати халқимиз хотирасида умрбод яшайди.

Фарҳод НЕҒМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугунги нотинч дунёда ТИНЧЛИК сўзи кўплаб инсонлар учун орзу, айримлар учун эса фақатгина умидга айланган. Дунё бўйлаб миллионлаб болалар мактабга бориш ўрнига пана жойларда ўтирибди, ўқув қуролларидан фойдаланиб расмлар чизиш ўрнига ўқ овозлари остида омон қолиш ҳақида ўйлаяпти. Болаларча бекинмачок ўйнаш ўрнига жонини сақлаш учун яшириниб улғаймоқда.



Кўплаб мамлакатларда ота-оналар фарзандларини мактабга юборишга эмас, балки уларни қаерга яширишни ўйлаб ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ўйкулари тинч эмас, ҳаёти қўрқув билан тўлган. Ижтимоий тармоқда тарқалган бир сурат қалбимни ларзага солган эди. Бир бола мактаб формасида, портлашдан ёниб кетган синфхона қаршида қўрқувдан нима қилишни билмай ўтирибди. Қўлида китоб, қиймилари йиртилиб кетган, кўзларида қўрқув қотиб қолган.

Ўша суратни кўриб, кўз олдимга болаларим келди. Улар тоза мактаб формасида, қулиб-ўйнаб, беҳавотир дарсларга бориб келмоқда. Турли воқеаларни кўриб, биз — Ўзбекистон фуқаролари қанчалар бахтли эканимизни англаймиз. Бугун бола-

ларимизнинг эркин ўқийи, тинч яшаши, кўчада тенгдошлари билан ўйнаб юриши шунчаки оддий ҳолат эмас, бу тинчлик ва барқарорликнинг асл кўринишидир.

Жамоат транспортида икки аёлнинг суҳбатини эшитганим. “Ўғлим 2-синфда ўқийди. Уни ҳар кун мактабга юбориб, ишга кетаман. Телефони йўқ, хавотир олмайман. Мактабга етиб борса, ўқитувчиси хабар беради, қайтса ҳам маҳаллада ҳамма таниш, хавфсиз. Кўнглим шундан хотиржам”, дейди улардан бири.

Ота-оналарнинг қалби хотиржам бўлса, кунда барака бўлади. Агар ота эрталаб ишга кетиб, она фарзандини мактабга боччага, ўқув курсларига юбориб, хотиржам ўй ишлари билан шугулланса ёки ишга кетса, бундан ортиқ неъмат борми?

Ҳаётини ташаббуслар

Тадбиркор Рустам Худойкулов чуялик машҳур Тошқул бобонинг ўн биринчи фарзанди. Тошқул бобони машҳур дейишга арзигули сабаблар кўп. Шулардан бири мўйсифидининг 16 ўғил-қизи борлигидир. Ҳа, Тошқул бобо умр йўлдоши Менихон ая билан бирга тўрт ўғил ва ўн икки қизни ҳалол луқма билан вояга етказган. Шу боис, қишлоқдошлар уларни қаҳрамон деб атаган.

БОБОМЕРОС ХУНАР — ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ

Худойкул бобо қўлигул уста бўлган. Ёғочдан турли анжомлар ясаб нафақат маҳалласи, балки Нурота туманида донг таратган. Чун қишлоғидаги эски масжид устунлари отахоннинг меҳнат маҳсулидир. Тошқул бобо ёғоч билан ишлаш сирларини отасидан ўрганган. Шу хунар йиллар давомида оила иқтисодини таъминлаган.

— Отам, асосан, омонч ясар эди, — деб эслайди Рустам Худойкулов. — Мен ёғочсозлик бўйича учинчи авлодман. Отамнинг ёнида юриб, ёғоч танлаш, унга ишлов бериш бўйича дастлабки тушунчаларим пайдо бўлган. Бошида қийиндек



туюлган меҳнат бора-бора сеvimли касбимга айланди. 2006 йил Россияга кетиб, ёғочни қайта ишлаш заводида узоқ йил ишладим. У ерда оддий ишчидан директор ўринбосари даражасигача кўтарилдим. Аммо доим юртга қайтиш, хунарини шу ерда ривожлантириш ҳақида ўйлардим.

Мамлакатимизда табдиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошлагани Рустам Худойкуловнинг орзуларига қаноат бўлди.

— Қишлоғимиз ёшларининг бари меҳнаткаш, — дейди Рустам Худойкулов. — Бу ижобий маънода менга қўл келди. Уларнинг 50 нафарига ёғочсозлик сирларини ўргатиб, иш билан таъминладим. Ҳозир улар менга яқин кўмакчи, ишнинг ривожига шогирдларимнинг муносиб ҳиссаси бор.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Туризм тараққиёти соҳа инфратузилмасини изчил ривожлантиришга бевосита боғлиқ. Ушбу йўналишдаги мавжуд масалаларни ҳал этиш, соҳада хизматлар сифатини оширишда табдиркорларнинг имконият ва тажрибасига ҳам таянимоқда. Бу эса соҳанинг иқтисодийдаги ўрни ва улуси ошишига хизмат қилипти. Пировардига туризм том маънода иқтисодиётимизнинг кўп даромад келтираётган соҳаларидан бирига айланмоқда.

Рустам Худойкулов ҳам бу борадаги ишловларга лаббай дея жавоб бераётган ишбилармонлардан. Унинг ташаббуси билан 2020 йилда ташкил этилган “Нурота неогарден” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган йилнинг ўзида Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларининг сўлим масканларида барча қулайлик ва замонавий қўринишга эга 100 га яқин кўчма дам олиш ёғоч уйлари қурилди. Жорий йилда эса ишлар янада самарали бошланди. Ҳозиргача у қирқга яқин енгил конструкцияли ёғоч уйлар қўрди.

Табдиркорнинг айтишича, уйлариинг ҳажми ва дизайни буюртмачи талабига қараб турлича бўлади. Улар топирилишидан олдин ёнгина қарши ишлов берилиб, мижозага ўйдан фойдаланиш йўриқномаси тушунтирилади. Битта уйни қуриш учун 10 кун атрофида вақт керак бўлади. Корхонага қарашли цехда уй деталларга ажратилган ҳолда ясалиб, талаб қилинган ҳудудга махсус техника ёрдамида ўрнатилади.

Ҳозир Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида буюртма асосида ёғоч уйлар қуриш бошланган. Табдиркор тугилиб ўсган ҳудуд — Нурота туманининг Чуя қишлоғида 10 та худди шундай объект қурилмоқда. Бундай кўчма уйларга Тожикистондан ҳам харидорлар кўпаймоқда. Хориждан харидор топиш эвазига табдиркор келажақда фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Зебо ҚУТЛИЕВА,
журналист

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
34972 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиж: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:40 Топирилди — 00:40